

## Янги автостанция – халқ хизматида

Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманининг Пайшанба ҚФЙ ҳудудида «Самарқанд Рудакий» шўъба корхонаси томонидан янги автостанция барпо этилди. Бу ердан ҳар куни «Пайшанба – Самарқанд», «Пайшанба – Иштихон», «Пайшанба – Каттакўрғон», «Пайшанба – Ойжон», «Пайшанба – Тасмачи», «Пайшанба – Мирбозор» ва бошқа шаҳар атрофи йўналишларида кўплаб автобус ва йўналишли такси машиналари қатнайди.

«Самарқанд Рудакий» шўъба корхонаси томонидан қурилган ушбу автостанцияда ҳайдовчилар ва йўловчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Хусусан, автомашиналарни техник текширувдан ўтказиш устахонаси, тиббий кўрик хонаси, кутиш хоналари зарур анжомлар билан жиҳозланган. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти эса аҳолига қўшимча қулайликлар яратмоқда. Йўловчиларни автобусларга ўтказиш ва тушириш перронлари сони 8 та бўлиб, уларда аравадаги ногиронларнинг эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинган.

– Автостанциянинг ишга туширилиши аҳолига қулайлик яратиши баробарида шаҳар ичкарасида автомобиллар тирбандлигининг олдини олади, – дейди автостанция раҳбари Ф. Жалилов. – Бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар қиёфаси янада гўзаллашмоқда. Энг муҳими, бу ерда яна 6 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати